

ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСЧИЛАРИНИНГ ИРОДА ТУШУНЧАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАРИ

Урганч давлат университетининг тадқиқотчиси,

Бекчанов Зуфарбек Мадримович

XVI асрларга келиб, Европада қтисодий ривожланиш ва илмий техник тараққиётни қўллаб қувватловчи буржуазия синфи барча соҳаларда ўз таъсирини ва қарашларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Ерга эгалик қилаётган дворянлар ва черков янгиликлар тарафдори эмас эди, бу ҳол буржуазия манфаатларига мос келавермасди. Мазкур зиддиятлар ва ижтимоий ўзгаришларга эҳтиёж - Уйғониш даврини бошлаб берди¹. Уйғониш даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири инсон иродасига, унинг оламни билиш ва ўзгартириш қобилиятига, теологик догматизмдан холи қарашлари билан ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшишини улуғлагани эди. Агар ўрта асрларда худо иродаси ижтимоий борлиқ масалаларини изоҳловчи восита, пастулат вазифасини бажарган бўлса, Янги давр инсон иродасини улуғлашга ўтди. Бу, шубҳасиз, инсоний ирода билан илоҳий ирода ўртасида ғоявий, гоҳо эса муросасиз курашларни келтириб чиқарди. Айрим бир шаҳарлар, масалан, Оксфорд ва Кембриж (Англия) дунёвий қарашларни тарғиб этувчи марказлар сифатида шаклланди, уларда дунёвий билимлар, давлат ва жамиятни бошқариш асослари, инсон меҳнатининг самарасини оширишга қаратилган янги воситаларни қўллаб қувватлаш, илмий техник янгиликларни жорий этиш, махсус билимли кадрлар тайёрлаш кабилар йўлга қўйилди. Завод ва фабрикаларнинг юзага келиши билан меҳнат муносабатларини ташкил этишнинг янги усуллари пайдо бўлди, аҳолининг турмуш даражаси ва интилишларида бир томондан, ўрта асрлар анъаналари сақланиб қолиши

¹ Қаранг: Вальяно М.В. Основы философии. Москва: Изд. "Дело и Сервис", 1999. С.103.

кузатилса, иккинчи томондан, буржуазиянинг синф сифатида шаклланишига ёрдам берувчи таълим тизими, бошқариш усуллари, кўшимча даромад орттириш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, ишчи посёлкалари ва касб корлари, ташқи алоқаларни кенгайтириш орқали бойлик орттириш имкониятлари туғилди. Европа янги бир даврга қадам кўйди, Италия, Испания, Дания, Швеция, Германия ва Франциядаги сиёсий тузумда илк либерал демократик ғоялар юзага келди, уларда черковни давлатдан ва бошқариш ишларидан холи қилиш, дунёвий қарашларга таянган ҳолда буржуа тартибларини шакллантириш томон қадам ташланди. Жамият ва давлатни янги усулларга, аввало инсон ақлу идрокига, қобилияти ва ишчанлигига қараб бошқаришни таклиф этувчи, ўзининг фаоллиги ва интеллекти билан янги даврга ниманидир кўшишга тайёр йирик шахслар пайдо бўлади, улар энди эскича яшаш мумкин эмаслигини, шунинг учун саройга яқин бўлиб, ўз иқтидорини умумий манфаатларга сарфлашни назарда тутувчи ёш, ғайратли, кучли иродали ва мақсадли кучлар сифатида тарих сахнасига чиқадилар. Ёш Бэконнинг амакисига ёшган хатини ўқиган киши файласуф қалбида саройга, у орқали ватанига, даврга хизмат қилиш иштиёқи тўлиб-тошиб турганига гувоҳ бўлади². Аммо бойлик орттиришни ҳаёт тарзига айлантирган буржуазия либерал демократик ғояларида ва эгаллаган лавзимларида, мавқеида ўз манфаатларини кўзламаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳолининг асосий қисмини, меҳнаткашлар ҳаётини қашшоқлашишига, уларда норозиликлар уйғотишига олиб келиши турган гап эди. Феодал абсолюттицизми ўз мавқеини сақлаб қолиш учун черков ёрдамига, ундаги ортодоксал кучларга таянади ва бор кучи билан янгиланишга қаршилик кўрсатади. Ҳокимият учун кураш кейинчалик буржуазия синфи фойдасига ҳал бўлган, лекин меҳнаткашларнинг ижтимоий сиёсий онги, фаоллиги ва давлатга муносабатлари ҳам ўзгаради. Улар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари,

² Қаранг: Бэкон Ф. Сочинения в двух томах. Второе, исправленное и дополненное. Том 1. Москва: "Мисль", 1977. С. 8.

эътиқоди ва фаровон яшашлари учун курашни оммавий воқеликка айлантирадилар. XVI- XVII асрларда Европада юзага келган революциялар бошида буржуазия турган бўлса да, ушбу революциялардан меҳнаткашлар ҳам ўз ҳуқуқларига оид хулосалар чиқаришади. Энг муҳими шунда эдики, энди ижтимоий тараққиёт диний ортодоксал қарашлар ва тартиблар амрида қололмасди, кишилар онги ва қарашларида рўй берган ўзгаришлар жамиятнинг олға силжиши учун зарур янги муносабатларни, бошқариш тизимини, инсондаги ички имкониятларни қўллаб қувватловчи мутлақо янги омиллар ва воситаларни яратиши шарт эди. Уйғониш даври ана шу объектив талабларга жавоб топишга журъат этди ва инсон иродасини теологик ёндашувлардан халос этиб, унга эркин ривожланиш имкониятини яратиб берди. Ушбу ўзгаришлар Янги давр фалсафасининг асосчилари бўлган инглиз файласуфи, давлат арбоби, социогуманистик ғоялар тарафдори Францис Бэкон ва француз файласуфи Ренэ Декарт ҳаёти, ижоди ва изланишларида ўз ифодасини топди. Ф.Бэкон (1561 - 1626) аввалро юрист сифатида танилади ва жон-жаҳди билан саройга интилиши, унда бирор лавозимни эгаллашга тиришиши туфайли 52 ёшида Англиянинг бош прокурори, кейинчалик қирол Яков I нинг лорд канцлери мартабасига кўтарилди. Англия парламенти томонидан фитначилик ва порахўрликда айбланиб саройдан узоқлаштирилгач, асосий диққатини илмий, фалсафий асарлар ёзишга қаратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Янги давр мутафаккирлари, шу жумладан Ф.Бэкон ҳам, ўз таълимотларини яратишда анъанавий қарашларга, айниқса Аристотель авторитетига ва схоластикасига, Пифагор, Эмпедокл, Парменид, Гераклит, У.Оккам, Р.Бэкон меросига таянмай ўтолмасди. Ф.Бэкон учун Д.Фракасторо, Б.Телезио ва Д.Бруно натурфалсафаси муҳим эди, у ушбу илмий изланишлар тарафдорларининг рационал фикрлари ва таълимотларига таянган³. Фаншунос П.Таннерининг ёзишича, “ўрта аср бедаёти билан янги

³ Қаранг: Субботин А.Л. Фрэнсис Бэкон и принципы его философии // Бэкон Ф. Сочинения в двух томах. Второе, исправленное и дополненное издание. Том 1. Москва: “Мисль”, 1977. С. 16

давринг буюк кишилари ҳам у ёки бу даражада қизиққанлар, ҳатто улар ўз қарашларида ўрта асрдан янада қўпол ва содда эдилар. Анъанавий қарашлар зулмидан халос бўлишга интиланган фан реформаторларининг янги принциплари излаб топишини қийинлаштирган”⁴. Ф.Бэконнинг ирода концепциясини тўғри англаш ва очиқ бериш учун унинг илм фан, инсоннинг билиш қобилиятлари, эмпирик тажриба, гносеологик изланишлари, илмий билишнинг моҳияти ва зарурияти ҳақидаги фикрларини ўрганиш талаб этилади. У илм фан инсон фаолиятининг тури, иродасининг кўриниши эканини ўзининг фалсафий асарларига, айниқса илмий билишга оид қарашларига сингдирган. Ф.Бэкон иродани этиканинг предмети деб ҳисоблайди. Аммо “иродани тўғри ташкил этилган ақл йўналтиради, тасаввурдаги ҳузур уни бузади. Иродани аффектлар ҳаракатга келтиради, тана органлари ва шакллантирилган ҳаракатлар эса унга хизмат қилади”⁵. Демак, файласуф фикрича, иродани ақл йўлга солади, керакли томонга йўналтиради. Бу фикрни олдинги файласуфларда ҳам учратамиз. Иродани ақл бошқариши ёки ақлу идрок иродага йўналиш беришини Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелий кўп бор такрорлашган. Аммо иродани аффектлар, ички сенситив кечинмалар ҳаракатга келтиради, вужуд эса эса унга хизмат қилади. Буни исботлаш учун эса психофизиологик тадқиқотлар зарур эди. Минг афсус, бу даврда илм фан бундай изланишларга тайёр эмасди. Шунинг учун Ф.Бэконнинг бу фикри гипотеза тарзида қолиб кетди. Ф.Бэкон ирода феноменини махсус тадқиқ этмайди, ҳар ҳолда бизга маълум асарлари ичида у ирода тилга олимавермайди. Унинг юқоридаги фикрлари эса йўл йўлакай билдирилган, уларни ҳатто ўрганиш, таҳлил қилиш ҳам шарт эмас. Уларда антик давр мутафаккирлари ёки стоикларникидан фарқ қилувчи ёндашув кузатилмайди. Бироқ Ф.Бэкон инсон ақлу идрокига, билиш қуввати ва имкониятларига

⁴ Таннери П. Исторческий очерк развития естествознания в Европе. Москва: Ленинград, “Наука”, 1934. С.45.

⁵ Бэкон Ф. Сочинения в двух томах. Второе, исправленное и дополненное издание. Москва: “Мисль”, 1977. С. 385.

ишонади ва улар ҳақида етарлича, батафсил фикрлар билдиради. Агар эмпиризмнинг детерминантлик ролидан келиб чиксак, биз ироданинг етарли маънавий руҳий ва ахлоқий куч эканига иқдор бўламиз. Бундан ташқари, Ф.Бэконнинг этикани иккига, яъни идеал ҳақидаги назария (exemplar), иккинчиси, бошқариш ва тарбия (cultura)га ажратиб уларнинг функциялари ҳақидаги фикрлари иродага ҳам тааллуқлидир.